


«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
Ўзбекистон Республикаси  
Фавқулодда вазиятлар вазирлиги  
хузуридаги жамоатчилик кенгаши раиси  
фахрий   
Э.Ж.Икромов  
2021 йил “\_\_\_” сентябрь

**Фавқулодда вазиятлар вазирлиги хузуридаги  
жамоатчилик кенгаши йиғилишининг**

103 – сон баёни

2021 йил “18” сентябрь

Тошкент шаҳри

**Раислик қилувчи:** Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги хузуридаги жамоатчилик кенгаши раиси фахрий Э.Ж.Икромов

**Катнашдилар:** Раис ўринбосари: Вазирлик фахрийси Р.Ибадов  
Кенгаш аъзолари: Вазирлик фахрийлари Х.Умерзаков,  
В.Эм, Ҳ.Хасанов, А.Мирпўлатов, Р.Мусаев.  
Кенгаш котиби вазирлик фахрийси А.Боймирзаев.

**КУН ТАРТИБИ:**

**I.** Қашқадарё вилояти Қарши ва Шахрисабз шаҳрида вилоят ёшлари, Темурбеклар мактаби ўкувчилари ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги генераллари иштирокида маҳорат дарсларини ташкил этиш ва ўтказиш.

**II.** Жорий йил октябрь ойининг биринчи ҳафтасини “Кексалар ҳафталиги” сифатида юкори савияда нишонланишини ташкиллаштириш ва ўтказиш.

---

(Икромов, Ибадов, Умерзаков, Эм, Хасанов, Мирпўлатов, Мусаев Боймирзаев, Икромов)

Кенгаш йиғилиши Фавқулодда вазиятлар вазирлиги хузуридаги жамоатчилик кенгаши раиси фахрий Э.Икромов кириш сўзи билан очиб, иштирокчиларни кун тартибидаги масалалар билан таништириш ва шахсан маъруза қилиши билдирилди.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан, жорий йилнинг сентябрь ойи давомида Қашқадарё вилоятида жойлашган Мудофаа вазирлигига карашли ҳарбий дала-ўкув майдонида Андижон вилояти ФВБ бошлиғи генерал-лейтенант Ш.Норматов ва Наманган вилояти ФВБ бошлиғи генерал-майор Қ.Ахмедовлар иштирокида маҳорат дарсларини ҳамда учрашувларни ўтказиш орқали ҳарбий полигонда ёшларни Қуролли Кучлар тизимида мавжуд замонавий қурол-аслаҳа ва техникалар, ҳарбий қисм ҳаёти, ҳарбий ошхона, аскарларнинг санъат борасидаги маҳоратлари билан таништириш, ташриф

буюрган генералларнинг ҳаёти ва хизмат йўлига бағишланган учрашувни ташкиллаштириш, шунингдек, тадбирларга Темурбеклар мактаби ўқувчилари, маҳаллий ўқувчи ёшлар ва ҳарбий қисмдаги ҳарбийлар иштирок этиши мақсадга мувофиқ эканлиги билдирилди.

Шу билан бирга, Шахрисабз шаҳрида ФВВ Академияси бошлиғи генерал-полковник Қ.Бердиев, Тошкент шаҳар ФВВ бошлиғи генерал-майор Р.Хайдаров, генерал-лейтенант Ш.Норматов ва Наманган вилояти ФВВ бошлиғи генерал-майор Қ.Аҳмедовлар иштирокида маҳорат дарслари ва уч авлод учрашувлари ўтказилиши тавсия этилди.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан жорий йил октябрь ойининг биринчи хафтасини “Кексалар ҳафталиги” сифатида кенг нишонлаш бўйича ташкилий масалалар, жамоатчилик асосида вазирлик тизимида кексалар масалалари бўйича вазирлик марказий аппарати ҳамда таркибий тузилмалардаги масъуллар, бошқарма (тузилма)да пенсияга чиқиш арафасида бўлган ҳарбий хизматчилар ва хизматчиларни узоқ йиллик самарали фаолияти учун эхтиром кўрсатиш ва тақдирлаш тадбирлари ўтказилиши, “Кексалар ҳафталиги” доирасида вазирлик марказий аппарати, худудий бошқармалар ва таркибий тузилмалар томонидан ногиронлиги мавжуд пенсионерларга ижтимоий кўмак бериш, холидан хабар олиш, майший муаммоларини ҳал этиш ишлари амалга оширилиши, кам таминланган ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож фахрийларнинг хонадонларига ташриф буюриб, уларниг ҳол-аҳволидан хабар олиниб зарур моддий ва ижтимоий, уй-жой, майший муаммоларини ҳал этиш юзасидан ёрдам кўрсатилиши тўғрисида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги раҳбариятига тавсия этилиши белгилаб олиниб, йиғилиш

#### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Кун тартибидаги масалалар бўйича Кенгаш раиси томонидан маъруза қилинган масалалар маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.
2. Қашқадарё вилояти Шахрисабз ва Қарши шаҳрида вилоят ёшлари, Темурбеклар мактаби ўқувчилари ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги генераллари иштирокида маҳорат дарсларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида вазирлик раҳбариятига таклиф киритилсин.
3. Жорий йил октябрь ойининг биринчи хафтасини “Кексалар ҳафталиги” сифатида вазирлик тизими масъуллари томонидан юқори савияда нишонланишини ташкиллаштириш ва ўтказиш бўйича таклиф ишлаб чиқиш.

Кенгаш котиби

А.Боймирзаев